O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
ARNASOY TUMAN
HOKIMI
QARORI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
АРНАСОЙ ТУМАН
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

“30” 09 2019 йил 1843 -сон Арнасой туман

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни 2020 йилда ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддаси асосида, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида”ги Низомга асосан Арнасой туманидаги корхона ва ташкилотларда 2020 йил мобайнида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига, “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида”ги Низомга асосан, 20 нафардан кўпни **ташкил этадиган корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сонининг 10 фоиз миқдоригача,(шу жумладан, ногиронлар учун 3 фоиз) жами 77 та квота иш ўринлари белгилаш иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида”ги Низомнинг 3-бандига мувофиқ, корхона ва ташкилотларда жорий

йилда ишга жойлаштириб бўлинган шахслар иш ўринлари 2020 йил учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринлари сонини белгилашда ҳисобга олинсин.

Шу жумладан:

а) ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали, кичик ёшли ишламаган ота-оналар учун 7 фоиз (12 киши);

б) умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари 10 фоиз (34 киши);

в) сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар 7 фоиз (11 киши);

г) ногиронлар учун 3 фоиз (6 киши);

д) пенсияолди ёшидаги шахслар учун 7 фоиз (5 киши);

е) жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар, 7 фоиз (4 киши);

ж) одам савдоси қурбонлари учун 7 фоиз (3 киши)

з) Ижтимоий ахамиятга эга булмаган кассаликга чалинган фукаролар учун 7 фоиз (2 киши)

3. Шахсларнинг кўрсатиб ўтилган тоифалари учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига мувофиқ бўлиши керак.

4. Иш ўринлари захирага қўйиладиган ҳар бир корхона, ташкилот ва муаасасаларда касблар ва лавозимлар рўйхати келтириб ўтилсин.

5. Корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари ***йил бошланишидан олдин 10 кундан кечикмай муҳтожларни ишга жойлаштириш учун муҳтожлар учун захирага қўйиладиган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида иш ўринлари захирага қўйилиши ва тайёрлигини таъминлаши,*** шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар туман Бандликка кўмаклашиш марказини хабардор қилиши шарт.

6. Муҳтожлар учун иш ўринларининг қолган қисмини захирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминланади, бу ҳақда шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилинсин.

Ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Бандликка кўмаклашиш марказига Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича муҳтожларни ишга жойлаштириш тўғрисида ахборот тақдим этилсин.

7. Ушбу қарорни бажармаган ташкилотларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жарима солинади.

8. Белгилаб қўйилсинки, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича қарорини бажармаганлик учун жаримани тўлаганлик ташкилотни банд қилиб қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини ташкил этишдан озод қилмайди.

9. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиш сонидан ортиқча иш ўринлари ташкил этилган тақдирда ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга – ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги ПҚ–4227-сон 1 боб, 2 банди.**Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилансин.**

10. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази бир хафта муддатда ушбу қарорни иловада кўрсатилган ташкилот раҳбарлари эътиборига етказсин ва мазкур қарорнинг бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

11. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари О.Норбўтаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими: **Ж.Бердибоев**

Туман хокимининг
"30" 09 2019 йилдаги
"1843"- сонли қарорига
1- илова

Туман худидида жойлашган корхона ташкилот ва муассасаларда 2020 йил учун квота иш ўринларини белгиланиши керак булган энг кам сонини ва уларга кўйиладиган талабларни ўрганиш махсус комиссияси

Таркиби:

1. О.Норбутаев .	туман хокимининг биринчи ўринбосари комиссия раиси
2.А.Избосаров.	туман АБКМ директори комиссия раиси ўринбосари.
3. Ш.Абдуганиев.	туман ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс рахбари. комиссия аъзоси.
4.В.Лутфуллаев.	туман статистика бўлими бошлиғи комиссия аъзоси.
5. У.Эргашев	туман БКМ банд бўлмаган ахолини хисобга олиш ва ишга жойлаштириш шуъбаси мутахассиси, комиссия котиби.

Арнасой тумани худудида жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларда мехнат бозорида ракобатлашишга кодир булмаган Ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда кийналаётган шахслар учун белгиланган иш уринларини буйича ташкилотлар руйхати

№	Корхона ташкилот ва муассасалар	01.08.2019йил холатига	Яратилиши керак бўлган квота иш ўринлари	Белгиланган квота		20 дан ортик ишловчилар бор корхоналар сони	01.07.2020 йил холатига	Жами яратилиши керак бўлган квота иш ўринлари	Шундан яратилганлар	Ёлгиз ота, ёлгиз она хамда 14 ёшгача ногирон болалари бор куп болали ота оналар учун	урта махсус касб-хунар таълимини тамомлаган ёшларга, шунингдек олий ўқув юртларининг давлат грантлари асосида таълим олган битирувчилар учун	Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан муддатли харбий хизматдан бўшатилганлар учун	Ногиронлар учун	Туман Бандликка кўмаклашиш ва ахолини ижтимоий мухофаза қилиш марказида иш кидирувчи сифатида хисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун	Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига курилган тортилган шахслар учун	Иждимоий ахаятга ега касалика чалинган фуыор олар учун	Одам савдосидан жабрланган шахслар учун
				7%	3%												
										9	10	11	12	13	14		15
А	Б	1	2	3	4	5	6	7	8	2	3	3	1	3	1		1
1	Туман тиббиёт бирлашмаси			13	2	1	436	15		2	6	1	2	2	1		1
2	"UCHTEPA PAXTA TOZALASH" aksiyadorlik jamiyati			9	2	1	244	11				3	2	1	3		2
3	Arnasoy tumani 8-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi			2	1	1	83	3			1	1	1				
4	Арнасой туман Ободонлаштириш бошкармаси			2	1	1	62	3		1		1	1				
5	Arnasoy tumani 6-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi			2		1	60	2			1	1					
6	Arnasoy tumani 20-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi			3		1	59	3		2	1						

7	Arnasoy tumani 5-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi			2		1	56	2			1	1					
8	1-сонли болалар мусика ва санъат мактаби			2		1	52	2			1	1					
9	Arnasoy tumani 7-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi			2		1	50	2			1	1					
	Халқ таълими муассасалари фаолиятиини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими			2		1	50	2		1	1						
11	Arnasoy tumani 11-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi			2		1	45	2		1	1						
12	Арнасой агросервис МТП масъляти чеклагаги жамият			2		1	44	2			2						
13	Arnasoy tumani 13-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi			2		1	39	2			1	1					
14	Arnasoy tumani 14-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi			2		1	38	2			2						
15	Arnasoy tumani 16-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi			2		1	29	2			2						
16	Арнасой тумани Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази			2		1	36	2			2						
17	Arnasoy tumani 9-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi			2		1	36	2			2						
18	Арнасой тумани хокимлиги			2		1	34	2			2						
19	Arnasoy tumani 15-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi			3		1	32	3		1	2						
20	Арнасой туман йулардан фойдаланиш унитар корхонаси			3		1	32	3			2					1	
21	Arnasoy tumani 18-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi			2		1	27	2			1			1			
22	Arnasoy tumani 1-son "G'UNChA" nomli maktabgacha ta'lim muassasasi			2		1	26	2			1			1			

23	Арнасой туман Давлат солик инспексияси			2		1	25	2		1	1						
24	Arnasoy tumani 19-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi			1		1	25	1		1							
25	Arnasoy tumani 17-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi			1		1	24	1		1							
26	Арнасой туман Баркамол авлод болалар маркази			1		1	23	1		1							
27	Арнаой туман молия бўлими			1		1	22	1								1	
	ЖАМИ			**71**	**6**	**27**	**1689**	**77**		**12**	**34**	**11**	**6**	**5**	**4**	**2**	**3**